



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

2019 йил “31” декабрь

№ 1070

Тошкент ш.

**Олий таълим муассасаларида талабалар орасида янги лойиҳа ва ишланмалар учун танловлар ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорининг 11-банди ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳақимов томонидан 2018 йил 14 августда тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 2, 4 ва 5-бандларининг ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини талабаларда инновацион фикрлашни шакллантирадиган ўқитиш технологиялари, уларда ижодий, илмий-назарий, ва интерфаол услубларни жорий этиш орқали инновацион фикрлашни ривожлантириш бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш мақсадида “Олий таълим муассасаларида “Энг яхши мустақил иш”, “Энг яхши ижодий ёндашув”, “Энг яхши инновацион ғоя” ва “Инновацион таълим” лойиҳалари номинацияси бўйича танлов низоми” 1-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасаларида Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашини ташкил этиш ва унинг таркибига факультетларнинг тавсиялари асосида талабаларни аъзо қилиш орқали инновацион фикрлашни ривожлантириш бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш мақсадида “Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашнинг намунавий низоми” 2-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасаларида талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни шакллантириш мақсадида “Талабалар орасида янги стартаплар учун танловлар ўтказиш тўғрисидаги намунавий низом” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари, вазирлик хузуридаги ташкилотлар раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдухакимов томонидан 2018 йил 14 августда тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 2, 4 ва 5-бандлари бўйича тасдиқланган низомлар 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар раҳбарларига: олий таълим муассасасида танловга тавсия этиладиган лойиҳа ва ишланмаларни мамлакатнинг иқтисодий ривожланишининг долзарб масалаларини ҳал этишга йўналтирилганлигини таҳлил қилиш бўйича ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш;

танловга тақдим этилган лойиҳа ва ишланмаларни баҳолаш бўйича эксперт гуруҳлари таркибини тасдиқлаш;

танловларга тақдим этиладиган барча ҳужжат ва материаллар сифатли тайёрланишига илмий ишлар бўйича проректор ёки директор ўринбосари маъсуллигини белгилаш;

танловлар тўғрисидаги ахборотларни оммавий ахборот воситаларида эълон бериш;

танловлар тўғрисида хабарномаларни тайёрлаб, олий таълим муассасалари ва олий таълим муассасаларининг филиалларига етказиш;

олий таълим муассасаларида таълим олаётган иқтидорли талаба-ёшларнинг танловларда фаол иштирок этишларини таъминлаш;

танловларни юқори савияда ўтказилишини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

4. Танловга тақдим этилган лойиҳа ва ишланмаларни баҳолаш бўйича эксперт гуруҳларига:

танловга тақдим этилган лойиҳа ва ишланмаларни мамлакатнинг иқтисодий ривожланишининг долзарб масалаларини ҳал этишга йўналтирилганлиги бўйича мазмуний экспертизадан ўтказиш;

экспертиза натижасига кўра лойиҳа ва ишланмаларнинг очик тақдимотига тавсия этиладиган ишларни саралаб олиш;

инновацион ишланмалар муаллифларининг очик тақдимоти асосида йўналишлар бўйича ғолибларни аниқлаш вазифаси юклатилсин.

5. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий-методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиков) ва Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Б.Исмаилов)га танловларни ўтказилиши ва ташкилий тадбирларни мувофиқлаштириш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазири ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг  
2018 йил “31” декабр  
10-кундаги буйруғига  
1-ИЛОВА

## Олий таълим муассасаларида “Энг яхши мустақил иш”, “Энг яхши ижодий ёндашув”, “Энг яхши инновацион ғоя” ва “Инновацион таълим” лойиҳалари номинацияси бўйича танлов низоми

### 1. Умумий қоидалар

1.1. Олий таълим муассасаларида “Энг яхши мустақил иш”, “Энг яхши ижодий ёндашув”, “Энг яхши инновацион ғоя” ва “Инновацион таълим” лойиҳалари номинацияси бўйича танлов низоми (бундан кейин – Низом) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорининг 11-банди ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдухакимов томонидан 2018 йил 14 августда тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 2-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низомда ўқув машғулотларини талабаларда инновацион фикрлашни шакллантирадиган ўқитиш технологиялари, уларда ижодий, илмий-назарий, ва интерфаол услубларни жорий этиш орқали инновацион фикрлашни ривожлантириш бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш кўзда тутилган.

### 2. Танловнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Олий таълим муассасаларида “Энг яхши мустақил иш”, “Энг яхши ижодий ёндашув”, “Энг яхши инновацион ғоя” ва “Инновацион таълим” лойиҳалари номинацияси бўйича танловнинг мақсади – ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишдан иборат.

2.2. Олий таълим муассасаларида “Энг яхши мустақил иш”, “Энг яхши ижодий ёндашув”, “Энг яхши инновацион ғоя” ва “Инновацион таълим” лойиҳалари номинацияси бўйича танловнинг вазифалари:

- ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологияларининг натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлаш;
- интерфаол услубларни жорий этиш асосида талабаларнинг мустақил таълим олиши натижасида ижодий ва илмий фаолиятга йўналтириш.

### 3. Танлов номинациялари

3.1. Олий таълим муассасаларида талабаларни инновацион фикрлаш, ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш бўйича қуйидаги номинациялар бўйича танловлар ўтказилади:

- талабаларнинг ўзи таълим йўналишлари бўйича ўзлаштираётган фанларининг ўқув дастурига мувофиқ энг яхши мустақил ишларни бажарган талабалар учун **“Энг яхши мустақил иш”**

- талабаларнинг ўзи таълим йўналишлари бўйича ўзлаштираётган фанларининг ўқув дастурига мувофиқ топшириқлар ва курс ишларини ижодий ёндашиб бажарган энг яхши ишланмаларни бажарган талабалар учун **“Энг яхши ижодий ёндашув”**.

- талабаларнинг ўзи таълим йўналишлари бўйича ўзлаштираётган материаллари бўйича ишланмалар ва таклифлар тайёрланган талабалар учун **“Энг яхши инновацион ғоя”**.

- талабаларнинг ўқув машғулотларини интерфаол ўқитиш услублари бўйича тайёрлаган таълим ва ўқитиш бўйича материаллар тайёрлаган талабалар учун **“Инновацион таълим”** лойиҳалари.

#### **4. Танловни ўтказиш ва баҳолаш**

4.1. Танловни ўтказиш ўқув йилининг семестрларида ўқитилган фанни ўзлаштириш якунида амалга оширилади.

4.2. Танловни ўтказиш фан ўқитувчиси тавсиясига кўра талабгорнинг иши фан ўқитилаётган кафедрасида муҳокама қилинади. Муҳокама натижаси ижобий бўлган ҳолатда олий таълим муассасаси тузилмасига мувофиқ факультетнинг Илмий-услубий кенгашига тавсия этилади.

4.3. Танлов номинациялари бўйича талабгорларнинг иши ва уни асословчи материаллари факультетнинг Илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинади. Муҳокама натижасида номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади.

4.4. Танлов номинациялари бўйича аниқланган ғолиблар факультетининг Илмий-услубий кенгаши баённомаси билан расмийлаштирилади.

4.5. Танлов якунлари бўйича ғолибларни алоҳида эътиборга лойиқ ижодий ишлари учун сертификат ва рағбатлантирувчи совғалар тақдим этилади.

4.6. Номинациялар бўйича ғолиблар факультетининг Илмий-услубий кенгаши тавсиясига асосан Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашининг ёш экспертлари захирасига номзод сифатида тавсия этилади.

#### **5. Якуний қоидалар**

Танлов Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ва мазкур низом талабларига ҳамда олий таълим муассасасининг низомлари ва ички тартиб қоидаларига мувофиқ ўтказилади.



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг  
2018 йил "31" декабр даги  
1070-сонли буйруғига  
2-ИЛОВА

## Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашнинг намунавий низоми

### 1. Умумий қоидалар

1.1. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгаши низоми (бундан кейин – Низом) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорининг 11-банди ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдухакимов томонидан 2018 йил 14 августда тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 4-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом Олий таълим муассасаларида Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашини ташкил этиш ва унинг таркибига факультетларнинг тавсиялари асосида талабаларни аъзо қилиш орқали инновацион фикрлашни ривожлантириш бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгаши – илмий-техникавий, инновацион ғоялар, инновацион лойиҳаларни ҳамда ижтимоий, табиий ва техника фанлари соҳасидаги ишланмалар кўриб чиқиш ва баҳолаш мақсадида ташкил этилган ва уларнинг орасидан энг яхшилари танилаш бўйича эксперт-таҳлилий жамоатчилик кенгаши (бундан кейин – Кенгаш). Кенгаш фаолиятига ёш экспертлар жалб қилинади.

Ёш эксперт - илмий-техникавий, инновацион ғоялар, инновацион лойиҳалар ва ишланмаларни таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича эксперт-таҳлилни ўтказувчи ва баҳоловчи ёш мутахасис.

1.3. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарорлари, буйруқлари, олий таълим муассасасининг буйруқлари ва низомларига ҳамда мазкур низом талабларига мувофиқ фаолият юритади.

1.4. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгаши ваколати доирасида қабул қилинган қарори олий таълим муассасасининг раҳбари учун тавсиявий характерга эга.

### 2. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашининг мақсади – талабалар томонидан тайёрланган илмий-техникавий, инновацион ғоялар, инновацион лойиҳаларни ҳамда ижтимоий, табиий ва техника фанлари соҳасидаги

ишланмалар кўриб чиқиш ва баҳолаш ҳамда уларнинг орасидан энг яхшиларини танлаб рағбатлантириш.

2.2. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашининг вазифалари:

– Кенгашга талабнома бўйича тавсия қилинган материаллар ва маълумотларни ўрганиш;

– белгиланган мезонларга мувофиқ инновацион ғоялар, лойиҳалари ва ишланмаларни илмий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти бўйича баҳолашни амалга ошириш;

– олий таълим муассасасида ва талабалар орасида инновацион фаолиятнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

### **3. Кенгашнинг таркиби**

3.1. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашининг таркиби аъзолар олий таълим муассасаси факультетлари деканларининг тавсияси асосида илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор билан келишилган ҳолда ректор томонидан тасдиқланади.

3.2. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгаши доимий асосда фаолият юритади.

3.3. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгаши фаолиятини олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланган Кенган раиси бошқаради. Кенгаш раиси бўлмаган ҳолатларда унинг вазифалари ва ваколатларни раис ўринбосари зиммасига юклатилади.

3.4. Кенгаш раиси ва кенгаш раиси ўринбосари кенгаш аъзоларининг вазифаларини тақсимлайди ва Кенгаш йиғилиши мажлисларини ўтказиши.

3.5. Кенгаш раиси ва кенгаш раиси ўринбосари кенгаш аъзолари тақдидан танлаб олиниши ва овоз бериш йўли билан 3 йилга тайинланади. Кенгаш фаолиятдан устидан эътирозлар бўлган тақдирда Кенгаш раиси ва кенгаш раиси ўринбосари қайта тайинланади.

3.6. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгаши фаолияти ишларини ташкилий-техникавий таъминлаш қуйидагича:

- Кенгаш йиғилиши мажлисларига зарурий ҳужжатларни тайёрлайди;
- Кенгаш йиғилиши мажлисларини ташкиллаштириши ва ўтказиши;
- Кенгаш йиғилиши мажлислари баённомаларини юритади.

### **4. Кенгашнинг иш тартиби**

4.1. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашига иккитадан кам бўлмаган инновацион ғоя ёки инновацион лойиҳалар тақдим этилганда Кенгаш йиғилиши мажлиси ўтказилади.

4.2. Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашига талабнома бўйича тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар кенгаш аъзолари ва экспертларга беш иш куни давомида кўриб чивиш ва фикр-мулоҳазалар олиш учун тақдим этилади.

4.3. Кенгашнинг аъзолари ва экспертлари Кенгашнинг йиғилиш мажлисини ўтказиш вақти аниқ аниқ бўлганидан сўнг йиғилишдан уч кун олдин тақдим этилган инновацион ғоя ва инновацион лойиҳа ёки ишланма тўғрисидаги фикрларини Кенгаш раисига тақдим этиши лозим.

Узрли сабаблар бўлган ҳолатларда Кенгаш раиси Кенгаш йиғилиш мажлисини ўтказиш вақтини расмий тақдим этиш орқали ўзгартириши мумкин ва инновацион ғоя, инновацион лойиҳани ёки ишланмани якуний баҳолаш бўйича кворув мавжуд бўлмаганлиги сабаби кўрсатилади.

4.4. Кенгаш аъзолари йиғилишда иштирок этмаган бошқа аъзларнинг номидан овоз бериши мумкин эмас.

4.5. Кенгаш йиғилиши мажлисида инновацион ғоя, инновацион лойиҳа ва ишланмалар якуний натижасига овоз бериш ёширин тарзда ўтказилади. Ҳар бир талабгор Кенгаш йиғилиши мажлисида лойиҳани 10 минут вақт давомида тақдимоти қилиб беради.

4.6. Тақдим этилган лойиҳани баҳолаш ҳар бир Кенгаш аъзоси мезонлар бўйича баҳолайди ва ўртача арифметик қиймати билан умумий балл қўйилади.

4.7. Кенгаш йиғилиш мажлиси баённомасида умумий балл ва ёширин овоз натижалари билан расмийлаштирилади.

4.8. Кенгаш йиғилиш мажлиси баённомаси олий таълим муассасасининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорига тақдим этилади.

## 5. Якуний қоидалар

Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда куйидагиларга жавоб беради:

- унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;
- фаолиятини ташкил этиш бўйича иш режа ва дастурлари ҳажмини сифатсиз ёки тўлиқ бажармаганлиги;
- аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари учун.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиши томонидан белгиланган тартиб ва олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

Кенгаш Низоми олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда кучга киритилади.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Орта махсус таълим вазирининг  
2018 йил 11 декабрь даги  
сонли буйруғига  
3-ИЛОВА

## Талабалар орасида янги стартаплар учун танловлар ўтказиш тўғрисида намунавий низом

### 1. Умумий қоидалар

1.1. Талабалар орасида янги стартаплар учун танловлар ўтказиш намунавий низоми (бундан кейин – Низом) “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорининг 11-банди ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдухакимов томонидан 2018 йил 14 августда тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 5-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Низом олий таълим муассасаларида талабалар орасида янги стартаплар учун танловлар (бундан кейин - Танлов) ўтказиш ташкилотчилари ва иштирокчиларининг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари, танловни ўтказиш тартиби ва муддати, танловни баҳолаш мезонлари (индикаторлари) ва усулини белгилайди.

### 2. Танловнинг мақсади ва вазифалари

2.1. Танловнинг мақсади олий таълим муассасасида талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни, янги ғоя ва ташаббусларни шакллантиришдан иборат.

2.2. Танловнинг вазифаси қуйидагилар:

- олий таълим муассасасининг талабалари ва ходимлари ўртасида тадбиркорлик лаёқатини ривожлантириш ва тадбиркорликни рағбатлантириш;
- энг яхши стартапларни аниқлаш ва уларни ривожлантириш;
- бизнес-лойиҳаларнинг умумий миқдорини ошириш;
- лойиҳаларга йўналтирилган таълимни ривожлантириш;
- олий таълим муассасасида таълим олувчиларнинг илмий-амалий фаолияти самарадорлигини ошириш;
- келгусида тижоратлаштириш учун интеллектуал фаолиятни натижаларини яратиш;
- стартапларни яратиш асосларини шакллантириш учун янги техник масалаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотларни рағбатлантириш;
- инновацион тадбиркорликни ривожланишига қўмаклашиш.

### **3. Танлов йўналишлари ва номинациялари**

3.1. Талабалар орасида янги стартаплар учун танловларга қуйидаги йўналишлар бўйича талабномалари қабул қилиниши мумкин:

- қишлоқ хўжалиги;
- ахборот технологиялари;
- саноат;
- соғлиқни сақлаш;
- фан ва таълим;
- энергиятежамкорлик;
- ижтимоий-иқтисодий.

3.2. Талабалар орасида янги стартаплар учун танловларда қуйидаги номлардаги номинациялар бўлиши мумкин:

- “Ижтимоий аҳамиятли инновациялар”;
- “Техностарт”;
- “Энг ёш олим”;
- “Энг яхши иновацион лойиҳа”;
- “Истиқболли ишланма” ва бошқалар.

### **4. Танловни ўтказиш тартиби ва босқичлари**

4.1. Олий таълим муассасасининг Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими Инновацион ғояларни қўллаб қувватлаш кенгаши билан ҳамкорликда Талабалар орасида янги стартаплар учун танловларни ўтказилади.

4.2. Олий таълим муассасасининг Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими Инновацион ғояларни қўллаб қувватлаш кенгашининг ёш экспертларидан иборат бўлган Ҳакамлар ҳайъатини тузади.

4.3. Талабалар орасида янги стартаплар учун танловлар олий таълим муассасаларида ҳар ўқув йилининг апрель ойида ўтказилади.

4.4. Ҳар бир олий таълим муассасалари бўйича аниқланган танлов ғолиблари республика босқичи учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тавсия этилади.

4.5. Талабалар орасида янги стартаплар учун танловнинг республика босқичи ҳар ўқув йилининг май ойида ўтказилади.

4.6. Талабалар орасида янги стартаплар учун танловнинг республика босқичи ғолиблари мутахассислиги бўйича магистратурада ўқишни давом эттириш учун тавсия этилади.

4.7. Танловда иштирок этиш талабгор учун Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлимига белгиланган шаклидаги талабномани тўлдирган ҳолда мурожаат қилади.

Талабгорнинг истагига биноан, талабномага лойиҳанинг моҳиятини (бизнес-режаси, видео тасвирлари, ишлаб чиқилган дастурнинг демо версияси, лойиҳа бюджети, лойиҳанинг ҳозирги босқичининг тавсифи, натижаси ва ҳ.к.) тушунтирувчи ёки намоёиш қилинадиган ҳар қандай ҳужжат ва материалларни илова қилиши мумкин.

4.8. Танловда иштирок этиш учун талабномалар белгиланган вақтда тақдим этилиши лозим ва белгиланган муддатдан кейин олинган талабномаларни кўриб чиқиш ва танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди.

4.9. Танлов саралаш, танлов ва якуний босқичларда ўтказилади.

4.10. Танловнинг саралаш босқичи талабгорнинг тақдим этиган талабномасининг тўлиқлиги, ишончилиги, унга илова қилинган хужжатлар, материаллар ва маълумотларни талабноманинг мазмунига мувофиқлиги таҳлил қилинади.

Талабнома ва унга илова қилинган хужжатлар, материаллар ва маълумотларни талабноманинг мазмунига мувофиқ бўлмаси танловга иштирок этишга рухсат берилмайди.

4.11. Ҳакамлар ҳайъати саралаш босқичдан ўтган талабномалар асосида танлов босқичини ташкил этади ва талабгорларнинг лойиҳаларини баҳолашади.

4.12. Танлов натижаларига кўра якуний босқичга танлов иштирокчилари таклиф этилади.

Танловнинг якуний босқичида барча финалчилар Ҳакамлар ҳайъати аъзолари олдида ўзларининг ишланмаларини таништириш имконияти берилади. Финалчилар ҳакамлар ҳайъати олдида тақдимотлари билан чиқишади.

4.13. Ҳакамлар ҳайъати танлов иштирокчиларнинг тақдимотлари натижаси бўйича ғолибларни аниқлаш ҳамда ноинацияларни белгилаш бўйича якуний қарор қабул қилинди.

4.14. Якуний босқичида танлов натижаларнинг эълон қилиниши ва ғолибларни тақдирлаш маросими амалга оширилади.

## **5. Ҳакамлар ҳайъатининг вазифаси, ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарликлари**

### **5.1. Ҳакамлар ҳайъатининг вазифалари:**

- танловни ўтказиш тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- танловни ўтказиш учун зарурий хужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш;
- танловни ўтказиш шартлари (ўтказиш тартиби, муддати, иштирок этишга талабнома шаклини, баҳолаш мезонлари (индикаторлари), босқичлари, финал босқичини ўтказиш жойи)ни аниқлаш;
- танловни ўтказиш тўғрисида иштирокчиларнинг хабардор қилиш мақсадида гуруҳларни тайёрлаш;
- танловнинг асосий босқичлари ва ўтказиш тартиби тўғрисида иштирокчиларни хабардор қилиш;
- талабгорларга танловда қатнашиш учун зарур бўлган барча хужжатларни, жумладан, талабнома ва тақдимот намуналарини тақдим этиш;
- танловда иштирок этиш учун талабномаларни қабул қилиш ва уларни кейинчалик қайта ишлаш;
- танловни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш;
- танловнинг якуний босқичини ташкил этиш;
- танловнинг ғолиб ва совриндорларига совғаларни тақдим этиш.

### **5.2. Ҳакамлар ҳайъатининг ҳуқуқлари:**

- ушбу Низомнинг талабларига ва/ёки танлов қоидаларига риоя қилмаган талабгорни иштирок этишни бекор қилиш;
- танлов иштирокчиларининг танлов қоидаларини бузганликлари, танлов шартларига риоя этмаслиги, талабномада нотўғри маълумот берганлиги учун уларни номувофиқ деб топиш ёки ундан маҳрум қилиш;
- якуний босқич учун лойиҳаларни танлаш, экспертиза ўтказиш мақсадида батафсил таниш учун қатнашчилардан талабномада келтирилган барча

маълумотларни ўрганиб чиқиш;

- иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлардан реклама мақсадларида фойдаланиш.

- ушбу Низом талабларини бузилиши, танловни ўтказиш тартибига риоя этилишига жавобгардир.

## **6. Танлов иштирокчиларнинг ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарликлари**

### **6.1. Танлов иштирокчиларнинг ҳуқуқлари:**

- танлов шартлари ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни олиш;  
- мазкур Низомнинг қоидаларини тушунтириш учун Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлимига мурожаат қилиш;

- танловда иштирок этиш учун талабномаларни белгиланган муддатларда расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш;

- талабномаларни қабул қилиш муддатидан камида 10 календарь кунидан олдин ташкилий қўмитага расмий хабарнома юбориш орқали талабномани қайтариб олиш;

- голибларни ёки танлов совриндорини тан олган тақдирда тегишли мукофот ва сертификатларни олиш.

### **6.2. Танлов иштирокчиларнинг мажбуриятлари:**

- танловда иштирок этиш учун талабларни ўрганиш, танлов предмети билан танишиш;

- ушбу Низом талабларига мувофиқ танловда иштирок этиш учун талабномани ўз вақтида тақдим этиш;

- танлов финалчиси деб тан олган тақдирда ҳакамлар ҳайъати сўраган маълумотларни тақдим этиш;

- ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиш.

### **6.3. Иштирокчиларнинг жавобгарлиги:**

- талабномада кўрсатилган маълумотларга белгиланган талабларни бузганлиги учун;

- ушбу Низомда белгиланган шартлар, тартиблар ва муддатларга риоя қилмаслиги учун;

- муаллифлик ҳуқуқини бузганлиги учун, шу жумладан материалларни тайёрлаш вақтида.

Мазкур қоидабузарликлар учун ҳакамлар ҳайъати иштирокчини танловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин.

6.4. Танловда қатнашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, танловда иштирок этувчиларнинг ўз ҳисобидан тўланади.

## **7. Танлов ишларини баҳолаш усули ва мезонлари**

7.1. Танловга тақдим этилган ишларни баҳолаш уч босқичда амалга оширилади.

7.2. Талабномаларни белгиланган мезонлар бўйича саралашда ҳакамлар ҳайъати лойиҳани талабномада белгиланган мезонлар бўйича танлов мақсади ва қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек, талабномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги таҳлил қилади.

Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлимининг масъул вакили томонидан

тасдиқланган иштирокчилар тўғрисидаги рўйхат танловнинг белгиланган мезонларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат деб ҳисобланади.

7.3. Танлов иштирокчисининг талабномаси қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

- бизнес-ғоянинг янгилиги ва ноёблиги;
- бизнес-ғоянинг ижтимоий аҳамияти;
- мақсадлилиги ва мўлжалланганлиги;
- амалий тажрибаси.

Танлов иштирокчисининг талабномасини баҳолаш 0 (нол) баллдан 2 (икки) баллгача баҳоланади. Бунда 0 (нол) – мезонларга тўлиқ жавоб бермайди, 1 (бир) – мезонларга қисман мувофиқ, 2 (икки) – мезон талабларига тўлиқ мувофиқ деб белгиланади.

Танлов қатнашчиларининг талабномаларини баҳолаш натижалари бўйича баллари тенг бўлган ҳолатларда ҳакамлар ҳайъати қарори билан аниқланади.

7.4. Танлов иштирокчиларининг тақдимотлари қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

- бизнес-ғоянинг янгилиги ва ноёблиги;
- бизнес-ғоянинг ижтимоий аҳамияти;
- яратилаётган иш ўринлар сони;
- амалий натижаларга йўналтирилганлиги: қоплаш муддати, рентабеллиги, тўлашга қодирлиги ва бошқалар;
- мақсадлилиги ва мўлжалланганлиги;
- амалий тажрибаси.

Танлов иштирокчиларининг тақдимотларини баҳолаш ҳар бир мезонлар бўйича 1 (бир) баллдан 10 (ўн) баллгача баҳоланади.

Танлов иштирокчиларининг тақдимотларини баҳолаш натижалари бўйича баллари тенг бўлган ҳолатларда ҳакамлар ҳайъати қарори билан аниқланади.

7.5. Танловнинг бизнес-режа ғолибларини баҳолаш қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

- бизнес-режанинг янгилиги ва ноёблиги;
- бизнес-режанинг ижтимоий аҳамияти;
- яратилаётган иш ўринларининг сони;
- амалий натижаларига йўналтирилганлиги: қоплаш муддати, рентабеллиги, тўлашга қодирлиги ва бошқалар;
- мақсадга йўналтирилганлиги;
- рақобатчилари;
- бизнесдаги тажрибаси.

Танловнинг Бизнес-режа бўйича ғолиблари ҳар бир мезон бўйича 1 (бир) баллдан 5 (беш) баллгача баҳоланади.

Танловнинг Бизнес-режа бўйича ғолибларини баҳолаш натижаларининг баллари тенг бўлган ҳолатларда ҳакамлар ҳайъати қарори билан ғолиблар аниқланади.

7.6. Якуний баҳолаш ва ғолибларни аниқлашда ҳакамлар ҳайъати барча лойиҳаларни белгиланган мезонлар бўйича умумий натижаси бўйича ўртача арифметик қиймати билан баҳолаб аниқлайди.

## **8. Танлов иштирокчиларни мукофотлаш**

8.1. Танлов ғолиблари олий таълим муассасасининг инновацион жамғармаси

фонди ҳисобидан қуйидагича мукофотланади:

биринчи ўрин учун – энг кам иш ҳақининг уч баробар миқдорида пул мукофоти берилади.

иккинчи ўрин учун – энг кам иш ҳақининг икки баробар миқдорида пул мукофоти берилади.

учинчи ўрин учун – энг кам иш ҳақининг бир баробар миқдорида пул мукофоти берилади.

8.2. Танлов ғолиблари дипломлар ва танлов иштирокчилари сертификатлар билан тақдирланади.

## **9. Танловни молиялаштириш**

9.1. Танловнинг саралаш босқичлари олий ўқув юртлари томонидан молиялаштирилади.

9.2. Танлов иштирокчилари ва уларни кузатиб келувчи ҳамроҳларининг танлов жойига келиши ва қайтиб кетиши, шунингдек, йўл ва сафар харажатлари танловда иштирок этувчи томон ҳисобидан тўланади.

9.3. Танлов иштирокчилари учун турар жой ва овқатланиш танлов ташкилотчилари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9.4. Кузатиб боровчи ўқитувчиларнинг хизмат сафари давомида иш ҳақи сақланиб қолади.

Талабалар орасида янги  
стартаплар учун танловлар  
ўтказиш тўғрисидаги низомга  
1-илова

Талабалар орасида янги стартаплар  
учун танловлар ўтказиш бўйича  
\_\_\_\_\_га

Талабалар орасида янги стартаплар учун танловда қатанишиш учун  
ТАЛАБНОМА

Сиздан талабалар орасида янги стартаплар учун танловда қатанишиш учун талабномани кўриб чиқишингизни ва иштирокчи сифатида қабул қилишингизни сўрайман.

Талабгорнинг Ф.И.Ш. (тўлиқ):	
Лойиҳа гуруҳи таркиби (мавжуд бўлганда Ф.И.Ш. (тўлиқ), Талабгор ва лойиҳа гуруҳининг барча аъзоларининг туғилган кунлари):	
Талабгорни яшаш манзили (амалдаги):	
Талабгорни почта манзили:	
Талабгорни уй телефони:	
Талабгорни мобил телефони:	
Талабгорни E-mail:	
Кредит заруриятининг мавжудлиги (ижобий/салбий/мавжуд эмас):	
Хусусий тадбиркорлик фаолиятининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг мавжудлиги (мавжуд бўлган ҳолатда гувоҳнома нусхаси илова қилинади)	
Таклиф қилинаётган бизнес-ғоянинг номи:	
Фаолият тури: (ишлаб чиқариш, сотиш, хизмат кўрсатиш, ва ҳ.к.):	
Талабгорнинг/Лойиҳа гуруҳи аъзоларининг иш тажрибаси (мавжуд бўлса):	
Бизнес-ғоянинг асосий моҳияти (400 сўздан ошмасин):	
Бизнес-ғоянинг янгилиги ва ноёблиги (200 сўздан ошмасин):	
Бизнес-ғоянинг ижтимоий аҳамияти:	
Яратиладиган иш ўринлар сони:	
Мақсадли истеъмолчилар, мижозлар:	
Рақботчилар:	

Бизнес-ғояни амалга ошириш учун керакли молиявий маблағ:	
Грант олиш вақтидан Стартап-лойиҳани ишга туширишни тахминий муддати:	
Қўшимча маълумотлар (эришиладиган натижа, машаққатларни бартараф этиш, тавсия этилаётган бизнес-ғояни амалга оширишдан шахсий мақсади (200 сўздан ошмасин):	

Ушбу талабномага талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва лойиҳа гуруҳи аъзоларининг маълумотномаси, рангли расмлари, шунингдек, ушбу аризага илова тариқасида танловнинг ташкилий қўмитаси шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш учун талабгор/лойиҳа гуруҳи аъзоларининг ҳар бирининг шахсий маълумотларини тақдим қилмоқдаман.

Талабалар орасида янги стартаплар учун танловлар ўтказиш тўғрисида низом ва унинг талаблари билан танишдим ва ундаги шартларга розиман ҳамда талабноманинг долзарблиги ва маълумотларнинг ишончилигини тасдиқлайман.

Ҳақиқатда намоиш (реалити-шоу)ни тасвирга олиш жараёнида иштирок этишга, шунингдек, танлов иштирокчиларини, танлов совриндорлари, танлов ғолибларини аниқлаш бўйича танлов комиссияси ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг қарорларидан розиман.

Ф.И.Ш. (тўлиқ): \_\_\_\_\_

Имзо: \_\_\_\_\_

сана: \_\_\_\_\_

*\*зарурият бўлган, талабноманинг ҳар бир варағига имзо чекилади.*

**Талабалар орасида янги стартаплар учун танловлар ўтказиш бўйича  
ташкilotчи томонидан шахсий маълумотлари йиғиш ва қайта ишлаш учун  
шахсий маълумотлар субъектининг  
РОЗИЛИГИ**

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. \_\_\_\_\_ ш.

\_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, шарифи, туғилган жойи ва санаси)

\_\_\_\_\_  
(яшаш жойи, рўйхатдан ўтган жойи бўйича манзили)

\_\_\_\_\_  
(шахсини тасдиқловчи ҳужжат, рақами ва берилган санаси)

*\*Маълумот бўлса, илмий ишлари ва уларнинг натижалари бўйича маълумотлар*

Ушбу маълумотни тўғрилиги ва ишончилигини тасдиқлайман.

\_\_\_\_\_  
имзо

\_\_\_\_\_  
сана

\_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш.

Ишчи гуруҳнинг ваколатли аъзоси

\_\_\_\_\_  
имзо

\_\_\_\_\_  
сана

\_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш.



Талабалар орасида янги  
 стартаплар учун танловлар  
 ўтказиш тўғрисидаги низомга  
 3-илова

Талабномаларни баҳолаш баённомаси

\_\_\_\_\_ ш. “ \_\_\_\_\_ ” 20\_\_ й.

№	Талабгорнинг Ф.И.Ш.	Тавсия қилинаётган бизнес-ғоянинг номи ва моҳияти	1-Мезон	2-Мезон	3-Мезон	4-Мезон	5-Мезон	6-Мезон	7-Мезон	Қарор
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Танлов комиссияси аъзолари:

1. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
2. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
3. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
4. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
5. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
6. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
7. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

Талабалар орасида янги  
 стартаплар учун танловлар  
 ўтказиш тўғрисидаги низомга  
 4-илова

**Танлов қатнашчиларининг тақдиротларини баҳолаш баённомаси**

\_\_\_\_\_ ш. \_\_\_\_\_ “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

№	Талабгорнинг Ф.И.Ш.	Тавсия қилинаётган бизнес-ғоянинг номи ва МОХИАТИ	1-Мезон	2-Мезон	3-Мезон	4-Мезон	5-Мезон	6-Мезон	7-Мезон	Қарор
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Танлов комиссияси аъзолари:

1. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
2. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
3. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
4. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
5. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
6. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
7. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

Талабалар орасида янги  
 стартаплар учун танловлар  
 ўтказиш тўғрисидаги низомга  
 5-илова

**Стартап – Бизнес-режаларнинг якуний танлови баённомаси**

\_\_\_\_\_ ш.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

№	Талабгорнинг Ф.И.Ш.	Тавсия қилинаётган бизнес-ғоянинг номи ва моҳияти	1-МЭЗОН	2-МЭЗОН	3-МЭЗОН	4-МЭЗОН	5-МЭЗОН	6-МЭЗОН	7-МЭЗОН	Қарор
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Ҳакамлари хайътининг қарори

Биринчи ўрин – Стартап-лойихаси

Иккинчи ўрин – Стартап-лойихаси

Учинчи ўрин – Стартап-лойихаси

Муаллиф/муаллифлар

Муаллиф/муаллифлар

Муаллиф/муаллифлар

Ҳакамлари хайъти аъзолари:

1. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
2. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
3. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
4. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
5. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
6. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.
7. \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

Талабалар орасида янги  
 стартаплар учун танловлар  
 ўтказиш тўғрисидаги низомга  
 б-илова

Стартап - бизнес-лойиҳалар базаси

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
№	Бизнес-фоянинг номи	Вилоят	Туман	Яшаш жойи	Тагалбоғнинг Ф.И.Ш.	Лойиҳа катташичи	Туфилган санаси	Жинси	ОТМ номи	Телефон (уй, моб.)	e-mail	Бизнесни шакллантириш шакли / жисмоний шахс	Ташкилотнинг номи	УИФТК (ОҚД) бўйича тармоғи	Ўқишни бошлагани санаси	Ўқишни тугатиш санаси	Ўқишни ўтказувчи ташкилот	Бизнес тренернинг Ф.И.Ш.	Сертификат рақами	Бизнес-режаларнинг яқуний танловига иштироки	Бизнес-режаларнинг яқуний танлови бўйича грант суммаси